



YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
23-iyun,
seshanba
№78
(5298)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Озарбайжон Республикасининг Фавқуллодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон элчисининг самарали фаолияти ҳамда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари элчи Гусейн Гулиевга Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларини мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси учун «Меҳнат шухрати» орденини топширди.



Давлатимиз раҳбари хусусий касбий таълимни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Тақдимотда касбий таълим хизматларини кўрсатишда хусусий секторнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича янги чоралар муҳокама қилинди.

Президентимиз тақдим этилган чораларни маъқуллаб, хусусий касбий таълимни ривожлантириш, ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш, аҳолини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ва тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.



Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш ва Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди.



Давлатимиз раҳбари капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Тақдимотда капитал бозори иқтисодиётга узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш, корхоналарни трансформация қилиш ва хусусий инвестициялар оқимини кенгайтиришда муҳим манба экани таъкидланди. Мутасаддиларга янги таҳрирдаги «Капитал бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини халқаро ҳамкорлар билан муҳокама қилиш, бозор инфраструктурасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, янги молиявий воситаларни жорий этиш ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш юзасидан топшириқлар берилди.



**БИЗ СИЗГА ИШОНАМИЗ,
“ОҚ БЎРИЛАР”**

Бугун соат 22:00 да бутун халқимиз футболчиларимизнинг иродасига, куч ва қатъиятга ишонч билан телевизор қаршида жам бўлиб, терма жамоамизни қўллаб-қувватлайди.
«Оқ бўрилар», биз сизларга ишонамиз, олға!

Мавзуга доир мақолани 4-бетда ўқинг.

ЎТГАН ДАВР УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРСАМ БЎЛАДИМИ?

БАТАФСЛ АХВОРОТ ОЛИШ УЧУН
ISHONCH.UZ GA ЎТИНГ:



МАКТАБ ВА ШИФОХОНАЛАР ЯҚИНИДАГИ ГАЗ ШОХОБЧАЛАРИ КЎЧИРИЛИШИ МУМКИН

БУ ҲАҚДА БИЛИШ УЧУН «**ISHONCH**» НИНГ
ТЕЛЕГРАМДАГИ САҲИФАСИГА ЎТИНГ:



Фарғона шаҳридаги 45-умумтаълим мактаби директори лавозимида фаолият юритган Гулбаҳор Маърифжонова билан тузилган меҳнат шартномаси вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг 2026 йил 2 апрелдаги буйруғи билан бекор қилинди.

ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТИКЛАНДИ

Г.Маърифжонова бундан норози бўлиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди. Шундан сўнг масала назоратга олиниб, атрофлича ўрганилганда ходимни ишдан бўшатиш чоғида қонун талабларига тўлиқ амал қилинмагани аниқланди. Масалан, меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш вақтида ходимнинг аввалги меҳнат фаолияти, хизмат вазифаларига муносабати ва иш жараёнидаги ҳуқуқ-атвори тўлиқ баҳоланмаган. Шунингдек, бошқарма томонидан ўтказилган хизмат текшируви амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил этилмаган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича судга даъво-ариза киритдик. Судда вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғи гайриқонуний, деб топилди. Бундан ташқари, иш берувчидан Г.Маърифжонова фойдасига қарийб 15 миллион сўм миқдорида маблағ ундириш белгиланди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бош юриконсулти

ИШ БЕРУВЧИ ХАТОСИНИ ТУШУНДИ

Орифжон Аннақов Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгашига йўлаган мурожаатида шу йил апрелдан эътиборан «Хоразм троллейбус саройи» давлат муассасасида бош мутахассис лавозимида ишлай бошлаганини, орадан ҳеч қанча ўтмай, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингани, аммо ҳалигача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаётганини маълум қилди. Пировардида ўз ҳақини олишда амалий ёрдам кўрсатишимизни сўради.

Меҳнат кодексининг 333-моддасига мувофиқ, иш берувчи ходимга иш ҳақи, таътил пуллари,

меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланиши лозим бўлган маблағлар ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга оширмас, ҳар бир кечиктирилган кун учун компенсация тўлаши шарт. Биз корхона маъмуриятига ушбу қондани ётиғи билан тушунтирдик. Натижада иш берувчи О.Аннақовга 2 мил-

лион 980 минг 900 сўм ойлик маош ҳамда 1 миллион 377 минг 176 сўм компенсация пули тўлаб берди.

Навбаҳор ҚУДРАТОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши бош мутахассиси

245 МИЛЛИОН СЎМ УСТАМА УНДИРИЛДИ

Пастдарғом тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан касба уюшмасига шикоят келиб тушди. Унда туман молия бўлими ходимларнинг устама пуллари тўлаб бермаётгани баён этилганди.

Мурожаат юзасидан молия бўлими билан олиб борилган музокаралар натижасида 245 миллион сўм устама пуллари ундириб берилди.

Улғубек ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



